Ушбу сонда:
2 ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШМОҚ КЕРАК
3 САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР
4 БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР, ЕТМАГАНЛАР БОР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ - ОЛИЙ БАХТ
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 18 август, чоршанба № 132 (1765)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ




*Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида гапирилган эди*

## ИССИҚЛИК МАРКАЗИНИНГ ДОЛЗАРБ ИШЛАРИ

***Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил биринчи ярим йиллигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига бағишланган йиғилишида уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш чора-тадбирлари қониқарсиз амалга оширилаётганлиги жиддий танқид қилинганди.***

Қорақалпоғистонда қишки мавсумда шаҳар ва туманлар марказида жойлашган 136 та қозонхона ишлайди. Мавжуд 456 та иситиш тармоқлари орқали 129 километрли қувурлардан 953 та ташкилот ва аҳоли яшаш жойларига иссиқлик энергияси етказиб берилади. Коммунал хизмат мавсумий иш эмаслигини тўғри тушунган республика Иссиқлик маркази жамоаси таъмирлаш юмушларини жадал суръатларда олиб боришаяпти. Эскирган, муддатини ўтаган магистрал қувурлар, газ, сув ва электр энергияси тармоқларининг 80 фоизи алмаштириб бўлинди. Истеъмолчи, газ, сув, электр энергияси етказиб берувчи ташкилотлар билан шартномалар тузилиб, бажарилиши қатъий назоратга олинди.

– Истеъмолчиларни иссиқлик билан таъминлаш учун йил давомида 30-32 миллион кубометр газ, 900 кубометр сув, 7,7 миллион киловатт соат электр энергияси талаб қилинади, - дейди биз билан суҳбатда бошқарма бошлиғи Шароф Уснаддинов. – Ресурслардан унумли фойдаланилганлиги туфайли 1 миллион киловатт соат электр энергияси, 2 миллион кубометр табиий газ, қарийб 100 минг кубометр сув иқтисод қилинди. Ускуналар янгиланиши ва илғор технологиянинг қўлланиши аҳолини қиш кунларида мунтазам иссиқлик билан таъминлаш имконини берди.

Ҳозирги пайтда қозонхоналардан 2-3 километр узоқликда жойлашган Нукус туманидаги 4-, 38-, Қўнғиротдаги 53-, Тахиатош шаҳридаги 7-мактаблар, Қораўзакдаги «Қуёш», Нукусдаги 2-болалар боғчаларига борадиган қувурлар таъмирланди. Нукус, Хўжайли ва Қўнғирот шаҳарларидаги 25-30 йил ишлаб, иситиш қуввати камайган қозонхоналардаги асбоб-ускуналар янгиланди. Кўп қаватли уйларнинг ертўлаларидаги сув оқадиган қувурлар алмаштириб бўлинди.

Эндиликда Нукус шаҳри, Қўнғирот, Қораўзак, Қонликўл туманлари истеъмолчиларини арзон иссиқлик билан таъминлаш йўллари изланмоқда. Шунга қарамасдан, иссиқлик тармоқлари фаолиятида жиддий камчиликлар, ечимини кутиб турган муаммолар ҳам оз эмас. Марказий қозонхоналардан олисда жойлашган корхона, ташкилот, муассаса ва турар-жойларга қишнинг совуқ кунларида иссиқликнинг етиб бориши 50-55 даражадан ошмайди. Истеъмолчиларга боргунича қарийб иссиқликнинг 10 фоизи исроф қилинаяпти. Нукус шаҳридаги кўп қаватли уйларнинг юқори қаватларига иссиқ сув кўтарилмайди.

Ҳисоб-китоб ишлари тўғри йўлга қўйилмаган. Коммунал тўловларни йиғиб олишда маҳалла фуқаролар йиғини етарли ташкилотчилик кўрсатишмаяпти. Шунинг учун ҳам истеъмолчиларнинг корхонадан қарзи 160 миллион сўмдан ошиб кетди. Айрим фуқаролар қишда иситиш тармоқларнинг иссиқ сувидан фойдаланишади ёки кун бўйи ванналарга оқизиб қўйишади.

Бундан чорак аср илгари қурилган уйларнинг газ, сув тармоқлари ва иситиш қувурларининг 20 километрини зудлик билан алмаштириш талаб этилади. Моддий ресурслардан фойдаланишда исрофгарчиликка йўл қўйилаяпти. Бошқарма бўйича 1 киловатт иссиқлик энергияси ишлаб чиқаришга ўртача 5753 сўм сарфланган бўлса, бу кўрсаткич 1-, 2- ва 3-қозонхоналарда 6581-10935 сўмга тўғри келди.

Вақт кутиб турмайди. Шунинг учун мутасадди ташкилотлар раҳбарлари аҳоли ва корхоналарни иссиқлик билан доимий таъминлаш учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўришлари керак.

**ЁЛҚИН**





## ЮЗ ФОИЗ МАҲСУЛОТ ЭКСПОРТГА

***Мустақиллигимизнинг 13 йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин бораётган шу кунларда жойларда байрам иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилмоқда. Ана шундай иншоотлардан бири Яккабоғ туманида ишга тушди.***

Ўзбекистон-Германия «ЭАУСС Яккабоғтекс» қўшма корхонаси ишга туширилиши бир неча ёшларни иш билан таъминлаш имконини берди. Устав жамғармаси 1 миллион 813 минг евро бўлган ушбу корхонада асосан пахта хомашёсидан калава ип ишлаб чиқарилади. Корхона раҳбари Эшқувват Ашуровнинг таъкидлашича, у тўлалигича қувват билан ишлай бошлагач, бу ерда йилига 4000 тонна пахта толасини қайта ишлаб, 3350 тона ип калава тайёрлаш имкони пайдо бўлади. Маҳсулот 100 фоиз хорижий давлатларга экспорт қилинади. Бу ерда айни пайтда 160 нафардан ортиқ ёшлар иш билан таъминланган бўлса, кейинчалик корхонада 280 киши меҳнат қилади.

Катта байрам арафасида Яккабоғда кенг кўламдаги қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Чойдори қишлоғида спорт мажмуаси, «Янгиобод» маҳалла гузари, Узоқ Мирзаев номли ширкат хўжалигида 380 ўринли мактаб биноси, 750 ўринли иқтисодиёт йўналишидаги касб-ҳунар коллежи қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Қурилиш ишларини Баҳодир Муҳаммадиев раҳбарлик қилаётган 3-механизациялашган кўчма жамланма бунёдкорлари амалга оширяптилар.

**Шавкат СУЛТОН,**
**«Ишонч» мухбири**



## ЖАҲОН АНДОЗАЛАРИГА МОС

Жарқўрғон туманидаги "Алпомиш" нафақат вилоят, республика, балки хорижда ҳам довруқ таратаётган корхоналардан бирига айланиб бормоқда.

Бу ерда ишлаб чиқарилаётган ун сифати жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бера олади. Хусусан, корхонада ишлаб чиқарилаётган олий ва биринчи навли унга харидорлар сони ортиб бораётир. Бу гапимизнинг бир ёрқин далили шуки, "Алпомиш" ёрлиғи босилган уннинг асосий қисмини қўшни Афғонистон давлати харид қилаётир.

*Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар*

## ЗАР ҚАДРИНИ ЗАРГАРДАН СЎРАНГ

***Сариосиё туманидаги Сафар Кассиров номли ширкат хўжалигида 1083 гектар ер 200 дан ошиқ оилавий пудратчиларга бўлиб берилган. Ғалла 380 гектар майдонга экилиб, ундан юқори ҳосил етиштирилди. Давлатга сара дон топшириш 140 фоизга бажарилди.***

– Халқимизда «Дони борнинг нони бор, нони борнинг ғами йўқ» деган мақол бор. Демак, дастурхонимиз ҳар қачонгидан мўл бўлади, – дейди хўжалик раиси Нурмуҳаммад Каримов. – Хирмонда дон, киссада пул бўлса бошқарув ҳам осон бўлиб қолар экан. Хўжалигимиз ўтган йили деҳқончиликдан 700 миллион сўмдан ошиқ даромад олди. Турли саналар сабаб ўтказиладиган тадбирларимизга ўз-ўзидан файз кирди.

Илгари хўжалик аъзолари иш ҳақини ололмаётганликларидан нолиб гапиришса, эндиликда суҳбат мавзуи уй қуриш, тўй қилиш каби хайрли юмушлар теграсида айланадиган бўлиб қолди. Ростда, кам таъминланган оилалар ярим тоннагача буғдой олган, ногиронлар ҳолидан хабар олиб турилган, болалар эса ёзни «Хонжиза» оромгоҳида мазза қилиб ўтказган бўлса, яна нимадан сўз очишсин!

Айни пайтда хўжалик миришкорлари ғўза парвариши билан банд. Бош пудратчи Сафарали Ражабов илғорлар сафидан ўрин олган. У ўтган йили 40 гектар майдонда пахта ўстириб, гектаридан 50 центнер ҳосил олди. Бу йил эса 55 центнердан ҳосил кўтаришга ният қилган.

Сафарали аканинг суяги деҳқончиликда қотган, ғўза билан бемалол тиллашади, уни баргига қараб нима талаб қилишини айта оладиган миришкор деҳқонлардан.

– Бир вақтлар бирор маротаба пахтазор ораламаган раҳбарларни ақл ўргатишидан жиғибийрон бўлар эдим, – дейди бош пудратчи, ўша даврларни эслаб. – Бизларни фикримиз билан ҳеч ким ҳисоблашмасди. Ўшанда қўлимиз ишга бормасди. Худога шукур, ҳаммаси ўтиб кетди. Мана ҳозир жиловимиз қўлимизда, ҳаттоки раисдан тортиб бошқа мутахассислар ҳам бизларни маслаҳатимизга амал қилиб, иш юритади. Тўғри-да, «Зар қадрини заргардан сўранг», деб бежиз айтишмаган-ку, машойихлар.

Дарҳақиқат, хўжаликда Сафарали Ражабов сингари тажрибали пахтакорлар кўп. Мавжуд 683 гектар пахта майдони 236 нафар пудратчиларга берилган. Улар бу мавсумда ҳар гектар майдондан 50 центнердан хирмон кўтариб, етиштирилган ҳосилни юқори навларга топширишни ният қилишган.

**Тўлқин ЖАЛИЛОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

***Мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланяпти. Шу боис фермер бўлиш иштиёқидагилар ҳам тобора кўпаймоқда. Лекин ҳамма ҳам бу ишнинг уддасидан чиқиши қийин.***

Ер қайтариб олинди.

Ўзига қарши далиллар исботини топгач, фермер ер чизиб қолгандир, деб ўйлаётгандирсиз? Таассуфки, бундай

*Таассуф!*

## ФЕРМЕРДАН ЕР ҚАЙТАРИБ ОЛИНДИ

Фермерлар фаолияти таҳлил этилса, айни шу ҳақиқат юзага чиқади. Ишнинг кўзини, ернинг тилини биладиган ҳақиқий фермерлар эл дастурхонини тўлдиряпти. Бу ишга фақат бойиш манбаи сифатида қараётганлар эса табаррук неъмат - ерни хор қиляпти, холос!

Жумладан, Қашқадарё вилоятининг Нишон туманидаги Ибн Сино номли ширкат хўжалиги ҳудудида «Ихлос» фермер хўжалиги ташкил этилган эди. Ижара шартномасига биноан унга 30 гектар суғориладиган ер ажратилди.

Аммо фермер хўжалиги раиси Х.Абраевнинг елиб-югуришлари ер олгунча экан. Чунки хўжалик ғалла ва пахта етиштириш, давлатга сотиш бўйича зиммасига олган мажбуриятларини умуман бажармади. Биринчи йили 48 тонна ўрнига атиги икки тонна пахта топширгани унинг ишга масъулиятсизларча муносабатини кўрсатиб турибди.

Ушбу хўжалик билан ёнма-ён жойлашган «Отамурод ота», «Муяссар», «Меҳр», «Хўжам ота», А.Норқулов номидаги фермер хўжаликлари эса зиммаларидаги мажбуриятларини муттасил ортиғи билан бажариб келмоқда.

«Ихлос»даги бундай беғам кайфият туман раҳбариятини ташвишга солди. Махсус комиссия тузилиб, мавжуд аҳвол ўрганилганда, масала ойдинлашди. Фермер белгиланган экинлар ўрнига бошқаларини экиб, мўл ҳосил кўтариб, бойваччага айланишни кўзлаган-у бунинг ҳам уддасидан чиқолмаган экан. Унга бириктирилган ер қаровсизликдан аянчли аҳволга келиб қолганди.

Ширкат хўжалиги судга мурожаат қилиб, «Ихлос» билан тузилган ижара шартномасини бекор қилишни сўради. Даъво мутлақо асосли бўлгани боис вилоят хўжалик суди томонидан қаноатлантирилди. Ер қайтариб олинди.

Ўзига қарши далиллар исботини топгач, фермер ер чизиб қолгандир, деб ўйлаётгандирсиз? Таассуфки, бундай эмас.

Х.Абраев апелляция, кассация тартибида шикоятлар ёзиб, суд, прокуратура идораларини овора қилгани бор гап.

Иш апелляция тартибида кўрилганда биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилди. Шунда у вилоят прокуратурасига мурожаат қилди. Прокуратурадагилар эса ўз навбатида вилоят хўжалик судининг қарори юзасидан Олий хўжалик судига кассация протести киритди.

- Қонунчиликда ерни тасаруфига олган шахс ундан оқилона фойдаланиши, агротехника ва бошқа мелиоратив ишларни ўз вақтида бажариши ҳамда зиммасидаги бошқа мажбуриятларни ўз вақтида бажариши шарт,- деди Олий хўжалик суди судьяси Иброҳим Алимов ЎзА мухбирига. - «Ихлос» фермер хўжалиги фаолияти бундай талабларга мутлақо жавоб бермаган. Ушбу ҳолат бўйича вилоят хўжалик суди ишнинг моҳияти ва далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, Ер кодексининг тегишли моддалари асосида қонуний қарор чиқарган. Шу боис Олий хўжалик судининг судлов ҳайъати Қашқадарё вилояти прокуратурасининг кассация протестини қаноатлантирмади.

Жиззах вилоятининг Зарбдор туманидаги «Эркин» фермер хўжалиги «фаолияти» ҳам «Ихлос»ниқидан қолишмайди. Бу фермер ўз тасарруфига олган 57 гектар ерда шартномада кўрсатилганидек, пахта етиштириши лозим эди. Аммо хўжалик раҳбари унга ғалла, кунгабоқар, ерёнғоқ, маккажўхори, кунжут ва полиз экинлари эккан. Оқибатда давлатга 182 тонна пахта топширилмади.

Зарбдор тумани ҳокимлигининг даъво аризаси асосида вилоят хўжалик суди фермердан ерни қайтариб олиш ҳақида қарор чиқарди.

Ишончни вақтида оқламай, қўлидан келмаган ишга уринган ёки «осмондан чалпак ёғиши»ни кутган бундай шоввозлар қилмишидан уялиш ўрнига идорама-идора чопиб юргани ажабланарли.

**(ЎзА)**

*Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги*

## ДОИМ ЕЛКАДОШ

***Бобур номли ширкат хўжалиги раиси Ҳамиджон Умрзоқовнинг яхши бир хислати бор. Бирор муаммо туғилса, касабақўм раисини йўқлайди.***

Масалан, 3-бригада ўрамидаги 2 гектарлик пайкални ижарага бериш масаласи раисни кўпдан буён ўйлантириб келарди. Сабаб ушбу экинзорлар лалми бўлиб, суғориш муаммоси кўндаланг турарди. Аслида хўжаликда оилавий пудрат тузиб, ижарага ер ажратилишини кутаётган аризачилар анчагина эди.

Рустамжон Мухторов кириб келиши билан Ҳамиджон илиқ сўрашиб ёнидан жой кўрсатди. Гап орасида юқоридаги экинзорга кимни пудратчи қилиб бириктириш ҳақидаги фикрини сўради. Касабақўм раиси сувни кўрмаса этик ечмайдиган, етти ўлчаб бир кесадиган йигит. Унинг кўз олдига сувчи Эргашвой Бахтиев келди. Мадад гуруҳи таркибида ғўзаларнинг тунги суғорилиши сифатини кузатиб юрарди. Назоратчиларнинг кўзи тун қаъридаги пайкалда милтираётган ўтга тушади. Ўт оёғи бордек силжиб гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда пайдо бўларди. Бу синоатдан ҳамма ҳайратда. Бош пудратчи Қодирохун Раимовнинг гапидан сўнг ҳамма нарса аён бўлади. У белбоғига бош фонар осиб ғўза суғораётган сувчи эди.

Рустамжон ана шу воқеани сўзлаб берди. Раис ҳам йигитнинг тиниб-тинчимаслигини яхши биларди. Ғалла ўрим-йиғимида бирда хирмонда кўрса, бирда буғдой янчаётган комбайнчига кўмаклашаётганининг, бирда хирмонда дон қуритаётгани гувоҳи бўлганди.

Касабақўмнинг маслаҳати билан Э.Бахтиев бошлиқ ғаллакор оилавий пудрат ташкил топди. Ер эгасини топганди. Эргашвой баҳордан кузгача даладан бери келмади. Ерни боққан, элни боқади, дейдилар. Ниҳоят меҳнатлари бесамар кетмади. Мавжуд 16 гектар буғдойзордан 70 центнердан хирмон яратиб, Андижон туманида биринчилар қаторида шартнома мажбуриятини бажарди. Лафздан ортган ғалла жамоанинг ўзига қолди.

Касабақўм билан маъмурият тадбиркорликни қўллаб-қувватлашда доим елкадош. Сабаб жамоа шартномасида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолининг иш билан бандлигини таъминлашга эришиш, шу асосда янги иш ўринлари яратиш ҳақида алоҳида бандлар киритилган.

Айни пайтда хўжаликда ғаллачилик бўйича 36 та оилавий пудратчилар меҳнат қиляпти. Уларга 250 гектар ер тақсимлаб берилган. Иброҳимжон Темиров, Қосимжон Овулов каби пудратчилар 68-70 центнердан ҳосил яратдилар.

Касабақўм ҳосил ўрим-йиғими мавсумида бутун диққат-эътиборини ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга қаратди. Комбайнчи, тракторчиларнинг техника хавфсизлиги юзасидан ўқуви йўлга қўйилди. Ғаллакорлар учун далада бепул иссиқ овқат, зарарли шароитда ишловчилар парҳез таомлар билан таъминланди. Меҳнатга янгича муносабат бесамар бўлмади. Дастлабки ўримдаёқ 62 центнердан дон йиғиштириб олинди. Ялпи ғалла ҳосили 1457 тоннага етди.

Даромадга яраша буромад, дейдилар. Ғаллачиликдан 25 миллион сўм соф фойда олинди. Унинг 10 миллион сўми дивидентга ажратилди. Хўжалик яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. Бу ерда товуқчилик фермаси иш бошлади. Парҳез таом – парранда гўшти, тухум энди ширкатнинг ўзидан чиқади. Муҳими, ўқимай, ишламай юрган йигит-қизлар паррандахонадан кўним топдилар. Озуқа таъминоти, паррандабоқарларнинг иш ҳақи, меҳнат ва маиший шароитларини яхшилаш билан касабақўм шуғулланмоқда.

**Собиржон РЎЗИМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ЎЗБЕКИСТОН ОЛИЙ СУДИДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий судида жорий йил баҳорида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятида терроризм ва кўпорувчилик ҳаракатларини содир этганликда айбланаётган 15 нафар шахс устидан бошланган суд жараёни бир неча кунлик танаффусдан сўнг яна давом этяпти. Суд жараёнига Олий суд раисининг ўринбосари Б.Жамолов раислик қилмоқда.***

Судланувчилар Ф.Юсупов, Ф.Казакбаев, М.Мирзакулов, Н.Курбаналиев, Р.Юсупов, А.Зулпикаров, Қ.Сохоталиев, Ж.Нигманов, Ё.Умаров, Ҳ.Ишматов, Ў.Ҳамроев, Е.Асланов, К.Каюмова, И.Тошпўлатова, Қ.Туйчиев дастлабки тергов органлари томонидан оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш, терроризм, босқинчилик, диний экстремизм, ўқотар қурол ва ўқ-дориларни босқинчилик йўли билан эгаллаш, портловчи моддаларни тайёрлаш, олиб юриш, сақлаш, контрабанда каби ўта оғир жиноятларни содир этганликда айбланган.

Қайта иш бошлаган суд мажлисининг биринчи куни йигирмадан зиёд жабрланувчи, гувоҳ ва жабрланувчилар вакиллари жиноят иши юзасидан кўргазма берди. Айбланувчилар аъзо бўлган жиноий гуруҳ томонидан содир этилган ёвузликлар ва уларнинг оқибати хусусида сўзлаб беришди.

Очиқ кўрилаётган суд жараёнида 30 нафардан зиёд хорижий ва маҳаллий журналист, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар вакиллари иштирок этмоқда.

**(ЎзА)**

*Олимпиада-2004*

***XXVIII Олимпиада ўйинларида ўзбекистонлик боксчиларнинг чиқишлари катта шов-шувга сабаб бўлмоқда. Бунгача Ўткирбек Ҳайдаров, Шерзод Абдурахмонов ҳамда Шерзод Хусанов иккинчи босқичга йўлланма олган эди. Энди уларнинг сафига Ўзбекистон ва Осиё чемпиони Беҳзод Ҳидиров ҳам қўшилди.***

## БАЛЛИ, БОКСЧИЛАР!

Покистонлик Аҳмад Сухайлга қарши рингга чиққан боксчимиз жангни муддатидан олдин ўз фойдасига ҳал қилди. Учрашув рефериси иккинчи раундда ўзбекистонлик чарм қўлқоп устаси 28-8 ҳисобида ғалаба қозонганини қайд қилиб, Беҳзоднинг қўлини баланд кўтарди.

Афсуски, дзюдо баҳсларида Рамзиддин Саидов рақибига имкониятни бой берди. Мамлакатимизнинг энг кучли дзюдочиларидан Абдулла Тангриев ҳамда Вячеслав Перетейко ҳали беллашувларни бошлагани йўқ.

Спортчиларимиздан бокс, эркин ва юнон-рум кураши усталари номи олимпиада медали учун кураш олиб борадиган асосий фаворитлар қаторида зикр этилмоқда. Боксчиларимиз саралаш учрашувларида кетма-кет ғалаба қозонаётган бўлса, курашчиларимизнинг беллашувлари ҳали олдинда.

**(ЎзА)**

# ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

*Ҳур Ўзбекистонимиз фуқароларини Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги байрами билан чин қалбдан муборакбод этади*





*Толеимиз баланд, осмонимиз мусаффо, ҳаётимиз янада фаровон бўлсин!*

# ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМ БОШҚАРМАСИ



***Барча юртдошларимизни ва соҳа ходимларини Истиқлолимизнинг 13 йиллиги байрами билан самимий қутлайди. Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги шарафли ишларида муваффақиятлар тилайди***





## Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури — амалда

***Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади. Президентимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ҳар бир фуқаро учун муҳим аҳамият касб этади.***

Қашқадарё вилоятида маънавий етук, жисмоний баркамол авлодни вояга етказишга алоҳида эътибор берилаяпти. Фармонда қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш, таълим тизимини ислоҳ

# ЁШ АВЛОД ТАҚДИРИ

## ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди

қилишнинг аниқ йўналишлари белгиланган. Энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув моддий базасини мустаҳкамлаш, таълим стандартларини шакллантириш асосий вазифа қилиб қўйилган.

Мактаб таълимини ривожлантириш 5 та йўналишда олиб борилади. Биринчиси, капитал реконструкция қилиш, тўлиқ ва жорий таъмирлашнинг, авария ҳолатидаги биноларни бузиб ташлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларни ва янги иморатларнинг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиққан ҳолда моддий-техника базасини янада ривожлантиришдан иборат. Шунинг учун ҳам таълим масканлари паспортлари тайёрланиб, амалга ошириладиган тадбирларнинг режаси ишлаб чиқилган.

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг сессиясида умумтаълим муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва «Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Юртбошимизнинг «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони талабларини амалга ошириш соҳасидаги вазифалар кўриб чиқилди. Шуниси аҳамиятлики, умумтаълим мактаблари фаолиятини такомиллаштириш барча ҳомий ташкилотлар қатори касаба уюшмалари вилоят кенгаши ва унинг тармоқ қўмиталари зиммасига юклатилган.

2003-2004 ўқув йилида 63500 нафар биринчи синф ўқувчиларига 400 мингта дарсликлар ва ўқув қуроллари топширилди. Ҳомийлар томонидан кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига 65,6 миллион сўмлик дарсликлар берилган бўлса, халқ таълими бўлими айланма маблағлари ҳисобидан ўқув жиҳозлари сотиб олишга 21,5 миллион сўм ажратилди.

Таълим масканларига саховатпеша корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар томонидан кўп миқдорда маблағ ажратилаяпти. Муборак туманидаги С.Жумаев номли 1-мактабнинг иситиш тармоғини таъмирлашга газни қайта ишлаш заводи 6 миллион сўм маблағ ажратди. Нишон туманидаги 3-мактабга Япония гранти асосида 94 минг АҚШ долларилик жиҳозлар, замонавий компьютерлар ва бошқа техника воситалари келтирилган. Ғузор туманидаги 2-мактаб жамоаси ўз кучи билан синф хоналарини ганчли сувоқли таъмирдан чиқарган.

Миришкор туманидаги 1-мактабда 36 миллион сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилган. Қарши туманидаги 52-мактабга «Машраб ота» хусусий фирмаси раҳбари Озод Саидов яқиндан кўмаклашиб, дарсликлар ва парталар олиб берган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Бироқ таълим-тарбия соҳасида ечимини кутиб турган муаммолар ҳам йўқ эмас. Мактабларнинг айримлари бундан 40-50 йил илгари қурилган мослаштирилган биноларда жойлашган. Синф хоналари, лабораториялар ва бошқа инженерлик коммуникациялари талабга жавоб бермайди. Ошхона ва буфетлар ишламайди, кутубхоналарда китоблар сони кам.

Вилоятдаги 1088 та мактабдан 237 таси хароба ҳолатида, 249 таси мослаштирилган биноларда жойлашган, 602 таси лойиҳа асосида қурилган. Дастурнинг биринчи йўналишига асосан уларнинг 237 тасини янгидан қуриш, 147 тасини реконструкция қилиш, 443 тасини капитал, 192 тасини жорий таъмирлаш талаб этилади.

Вилоятда 216738 нафар ўқувчи икки навбатда, 23 та мактабда эса уч навбатда ўқитилади. Биринчи йўналишдаги ишлар амалга оширилса, ўғил-қизлар кўркам ва шинам биноларда ўқиса, таълим самарадорлиги янада ошади. Бундан уч йил муқаддам Қамаши туманида рўй берган ер силкиниши оқибатида мавжуд 85 та мактабдан 81 таси тўлиқ таъмирталаб бўлиб қолган эди. Вилоят ва туман раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари туфайли 11 та янги мактаб қурилди, 41 таси капитал таъмирдан чиқарилди. 38 та мактабда биттадан ўқув иншоотлари фойдаланишга топширилди. Аммо 5-, 64-, 73-мактаблар қурилишига киришилган эмас. Болалар хўжалик идоралари ва болалар боғчасида шуғулланишаяпти. 50- ва 76-мактаблар қурилиши ниҳоясига етказилмаган. «Муборакгаз» унитар шуъба корхонаси ва «Ўздонмаҳсулот» акционерлик бирлашмаси ҳомийлигида бунёд этилаётган ҳар иккала масканда 75 миллион сўмлик қурилиш таъмирлаш юмушлари бажарилиши керак.

Мактабларнинг паспортлари тайёрланиб, кўрикдан ўтказилди. Шунга кўра 2 мингта парта, 1,5 мингта стул, ҳар бир мактабда ўртача 10 тадан синф доскалари ва шкафлари, 53 тасида лаборатория жиҳозлари, 18 тасида компьютерлар етишмайди. Иккинчи йўналиш бўйича вилоят мактабларини ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар билан таъминлашни оладиган бўлсак, 37 фоиз мактаблар лаборатория, 30 фоизи компьютерларга эга, холос. Вилоят бўйича 60072 та парта, 10323 та доска, 11774 та китоб жавони етишмайди. Спорт соҳасини таҳлил қиладиган бўлсак, таълим масканларининг 447 тасида болалар шуғулланадиган заллар мавжуд, аслида айримлари талабга жавоб бермайди.

Таълим янги босқичга кирди. Вилоят умумтаълим масканларида янги ўқув йилида 582 миллион сўмлик турли жиҳозлар олиб берилиши, 247 таси капитал таъмирланиши кўзда тутилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 июлдаги «Умумтаълим мактаблари ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўқитувчиларнинг, энг аввало бошланғич синфлар муаллимларининг иш ҳақи оширилади. Бу қашқадарёлик халқ таълими ходимларининг куч-ғайратини, меҳнат фаоллигини кучайтириб юборди. Эндиликда узлуксиз таълим тизими занжирида заиф ҳалқа бўлиб турган мактаб таълими янада юксалиб, ҳал қилувчи бўғинга айланади.

**И.ТИЛЛАЕВ**

## Ўзбекистон-Ҳиндистон дўстлик ришталари

# РАҚС МАЛИКАСИ

***Тошкентдаги Ҳиндистон маданият маркази ёнидан ўтиб қолгудек бўлсангиз, ичкаридан таралаётган ҳинд куй-қўшиқлари сизни сеҳрлаб қўяди. Ўзбек қизлари Ҳиндистоннинг Катхак усулидаги қадимий миллий рақсини маҳорат билан ижро этаётганини кўриб ҳайратга тушасиз. Машҳур ҳинд раққосаси Манжири Карулкар бир ярим йилдан буён маданият марказида истеъдодли ўзбек ёшларга Катхак рақсини кунт билан ўргатади. Мактаб ўқувчилари, талабалар маданият марказига қатнаб ҳиндча рақс ва куйларни муҳаббат билан ўрганаётирлар. Улар бир қатор тадбирлар, байрамларда қатнашиб, ўз санъатларини намойиш қилиб, олқишга сазовор бўлмоқдалар.***

Устоз Манжири ўзбекистонлик шогирдлари ҳақида тўлқинланиб гапиради:

– Ўзбек қизлари қадди-қомати келишган, ўктам, меҳнатсевар, ҳаракатларни тез илғаб оладиган, зукко, тиришқоқ. Улар ҳинд миллий рақсини ғоят жозибали ижро этадилар. Уларнинг Ҳиндистон тарихи, маданияти ва санъатига меҳрлари баланд.



Катхак рақсининг моҳир ижрочиси М.Карулкар 1968 йилда Ҳиндистоннинг Пуна шаҳрида таваллуд топган. Халқ рақс санъатини қадрловчи отаси Агария Арвенда, онаси Сушила уни етти ёшида устоз Маниша Сатхс Гуруга шогирд қилиб топширишди. Жажжи раққоса тез орада эл назарига тушади. Маҳорат сирларини ўқиш-ўрганишни сира канда қилмайди. Деҳлидаги рақс мактабида, Пуна университетида ўқиб билимини оширди. 1992-1997 йилларда Махараштра рақс мактабида Катхак рақси ўқитувчиси бўлиб ишлади. Ёш ижодкорларнинг турли кўрик-танлов ва фестивалларида фаол қатнашиб ғолибликни қўлга киритди. Масалан, Пуна университети талабалари фестивали ғолиби бўлди. 1986 йилги мамлакат раққосалар беллашувида иштирок этиб, олтин медални қўлга киритди.

Манжири Карулкар оммавий рақсларни саҳналаштиришда ҳам катта тажрибага эга. Унинг рақсларини Ҳиндистондаги барча ҳудудларда томоша қилиб, юксак санъатидан баҳраманд бўлганлар. Зар қадрини билган заргар, юксак дидли ҳинд рақс шинавандаларига манзур қила олиш осон эмас. Раққоса ватандошлар қалбига йўл топа олган санъаткордир.

1991 йилдан бошлаб ҳинд миллий рақсининг маликаси дунё бўйлаб ижодий сафарларга чиқди. Сингапур, АҚШ, Германия, Япония, Малайзия давлатларида бўлиб, катта саҳналарда ўз санъатини намойиш қилди, кўплаб мухлислар орттирди. Бу мамлакатда нашр этиладиган газета ва журналларда унга, унинг ижрочилик санъатига бағишланган кўплаб мақолалар эълон қилинди.

Санъат дилларни-дилларга, халқларни халқларга боғлаб турувчи, эзгулик ва тинчликка хизмат қилувчи қудратли воситадир, – дейди раққоса, – гўзал рақсни сўзсиз, имо-ишорасиз ҳамма тушунади. Миллий рақсларда муштараклик, ўхшашлик жиҳатлар жуда кўп. Турли қитъаларда яшовчи халқларнинг мақсади, орзу-ўйлари, интилишлари бир-бирига жуда ўхшаб кетади.

Манжири Карулкарнинг жонга ҳузур бағишловчи рақсларини томоша қилар экансиз улуғ ҳинд халқининг ўтмиши, халқ анъаналари, ўйин-кулгилари, маданияти, гўзал ҳинд диёрининг табиат манзаралари, бетакрор халқ маънавий бойликларини ўз кўзингиз билан кўриб, кузатиб тургандек бўласиз. Аллақайси жиҳатлари билан шўхчан, мунгли, жозибали ўзбек миллий рақсларига ўхшаш нуқталарни топгандай бўласиз. Раққосанинг қиёфасида ўзбек саҳнасининг юлдузларини кўриб тургандек бўласиз.

Манжири сингари сиймолар ўзбек ва ҳинд халқлари, Ўзбекистон ва Ҳиндистон давлатлари ўртасидаги жонли кўприклардир. Уларнинг савоб ишлари халқлар қалбида мангу яшайди.

Раққоса мамлакатимизда иш бошлаганига кўп вақт бўлмасада кўплаб дўст, мухлислар орттирди. Ўзбекистон унинг иккинчи ватани бўлиб қолди. «Ўзбекистоннинг табиати Ҳиндистоннинг табиатига жуда ўхшаб кетар экан, - дейди у, – ўзбеклар бағрикенг, олижаноб, меҳмондўст, меҳр-оқибатли инсонлар экан. Мен бу юртда бегона эмас, ўзимни уйимдагидек ҳис қиламан. Ўзбек шоирларидан бири, ҳатто қуёш уни бир дам кўрмаса соғиниб қолади, деб айтган экан. Ўзбекистоннинг ана шундай кўз илғамас оҳанграбоси бор. Ўзбек миллий рақсларини кўриб, уларга мафтун бўлиб қолдим. Уларни ўрганиб, ҳинд саҳнасига олиб чиқсам, деган ниятим бор.

**А.КАРИМОВ**

## Анъана этади давом

# БЕЛИДА БЕЛБОҒИ БОРЛАР ГИЛАМДА

Ўзбекистон-полвонлар юрти десак, муболаға бўлмас. Бугун бу иборанинг ҳақлигига бутун дунё гувоҳ бўлиб турибди. Миллий курашимиз жаҳонни забт этмоқда.

Маълумки, азалдан юртимизда икки хил кураш усули қўлланиб келинган. Уларнинг бири халқ тилида «бухороча», иккинчиси «фарғонача» дея аталган. Курашнинг фарғонача усулида (бугун белбоғ кураши) қадим-қадимдан турли мусобақалар ўтказиб келинган. Бу кураш кўпроқ Фарғона водийси ва Тошкент вилоятида кенг оммалашган.

Мустақиллик йилларида миллий курашимиз билан ҳамқадамликда белбоғ кураши ҳам ривожланиб келмоқда. Ҳозирда курашнинг бу тури Самарқанд, Бухоро, Сурхондарё, Хоразм ва Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлари аҳолиси ўртасида кенг ёйилиб бормоқда. Белбоғ кураши Федерацияси томонидан ўтказилган навбатдаги мамлакат чемпионати юқоридаги фикрнинг яққол исботи бўлди. Етти вазн тоифасида ўтказилган беллашувлар Тошкент вилоятининг Пскент шаҳрида бўлиб ўтди. Мусобақанинг айнан шу жойда ўтказилишида ҳам катта маъно бор. Сабаби Пскентда белбоғ курашини жуда яхши кўрадилар. Полвонлар баҳсини кўришга келган минглаб мухлислар шундан далолатдир. Қолаверса, бу макондан кўплаб донгдор полвонлар ўтган. Улардан Тўйчи полвон Деҳқонбоев, Олим полвон Пўлатов, Собир полвон Атаевларни кураш мухлислари ҳурмат билан ёдга олишади.

Чемпионатнинг янги қоидаларга биноан ўтказилиши, баҳсларнинг ўта муросасиз ва жозибадор ўтишига олиб келди. Бу қоидалар мухлисларга ҳам маъқул келди. Ушбу биринчиликнинг яна бир аҳамиятли жиҳати, белбоғ кураши анъанавий ҳисобланмаган вилоятлар вакиллари ҳам рақибларига муносиб қаршилик кўрсатди. Бунинг бош омили вилоятларда ҳам белбоғ кураши Федерациялари иш бошлагани бўлса керак.

Финал беллашувларини 60 килограмм вазнли полвонлар бошлаб берди. Унда Икром Умаров (Тошкент) ва Жаҳонгир Абдулҳаев(Фарғона) лар ўртасидаги бел олишувда фарғоналик полвон зафар қучди. Оғир вазнли полвонлар баҳси жуда қизиқарли кечди. Тошкентлик машҳур полвон Шерзод Мирзанов ва Довуд Боҳодировлар ўртасидаги бел олишувда белбоғни қўйиб юборган Довуд полвонга мағлубият ёзилди. 100 килограмдан юқори полвонлар баҳсида Ҳакимжон Муҳитдинов чемпионликни қўлга киритди. Белбоғ кураши бўйича мутлақ чемпионни аниқлаш учун кураш айниқса, қизиқарли ўтди.Самарқандлик Оятилла Ҳакимов рақиби Шерзод Мирзановга қарши ажойиб усул қўллаб, ҳалол ғалабага эришди.

Чемпионат якунида кураш Федерацияси раҳбарлари келгусида халқаро турнир ўтказишга тайёргарлик ишлари давом этаётганини маълум қилдилар. Пскентда ўтган Ўзбекистон чемпионати халқаро турнир олдидан яхшигина синов вазифасини ўтагани шубҳасиз.

**А. МАМАЖОНОВ**

## Теннис

***Россиянинг Саранск шаҳрида Челенжер таснифида ўтказилган халқаро турнирда ҳамюртимиз Вадим Куценко қозоғистонлик Алексей Кедрюк билан жуфтликда финалга чиқди. Дастлабки босқичда улар Стив Дарки ва Стефан Видрас жуфтлигини 6:7, 6:4, 6:4 ҳисобида мағлубиятга учратди.***

### ХАЛҚАРО ТУРНИРДАГИ ҒАЛАБА

Навбатдаги босқичда Филип Муҳамедов ва Евгений Смирновлар устидан 6:5, 7:6 ҳисобида зафар қучишди. Ярим финалда уларни мезбонлар вакили Вадим Давлетшин ва Александр Кудрявцев жуфтлиги кутиб турарди. Вадим ва унинг шериги бир-бирини тўла тушунган ҳолда бу ўйинда ҳам ғолиб чиқди. Финалда қозоғистонлик Ф.Иванов ва А. Столяровга қарши ўйнаган Куценко-Кедрюк жуфтлиги 6:1, 3:6,6:4 ҳисобида ғалаба қозонди.

Яккалик баҳсларида иштирок этган умидли ёш теннисчи Фаррух Дўстов ярим финалгача етиб келди.

## «ЧЕЛЕНЖЕР» САМАРҚАНДДА

Самарқандда АТР таснифидаги анъанавий «Челенжер» халқаро турнири бошланди. Мукофот жамғармаси 25 минг АҚШ долларига тенг ушбу мусобақада дунёнинг йигирмага яқин мамлакатидан ракетка усталари иштирок этмоқда. Улар орасида В.Куценко ва О.Огородов каби юртдошларимиз бор.

Мусобақалар 21 августга қадар давом этади.



Т.МАҲКАМОВ олган сурат

Бугунги Поп шаҳри

## МОСКВАДА КЎРГАЗМА

***Москвадаги Марказий рассомлар уйида Ўзбекистон халқ рассоми, академик Жўллибой Изентаевнинг шахсий кўргазмаси очилди.***

Унда рассомнинг элликдан зиёд сара асари намойиш этилмоқда. «Она ҳайкали», «Олтин Ўрда қорақалпоқлари Амир Темур қабулида», «Қиз узатиш» каби асарлар шулар жумласидандир.

Мамалакатимизда қўлга киритилаётган ютуқлар, улкан бунёдкорлик ишлари акс эттган асарлар тасвирий санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

## Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор

# ЯҚИН ЎТМИШ ЭРТАКЛАРИ

***Тўқсон ёш атрофида умр кўрган отам қатъиятли, бир сўзини икки қилмайдиган, қаттиққўл инсон эди. Узоқ йиллар гоҳ масъулиятли, гоҳ оддий вазифаларда ишлаган бўлса-да, барибир, шўро тузуми сиёсати билан келишмасди. Падари бузрукворимнинг уч ҳикоясини сиз билан ўртоқлашишни лозим топдим.***

### МАЖБУРАН МЕҲМОН КУТИШ

- Шўро инқилоби юз бериб, ҳамма ёқда олатасир тўполонлар бўлаётган, инқилобга қарши чиққан озодлик курашчилари «босмачилар» номи билан айбланиб қувғин ва қирғин қилинаётган пайтлар эди, - дея бир гал сўзлаб берганди отам, - қизиллар қишлоқма-қишлоқ изғишар, қўли милтиқ ушлашга қодир ўсмир уларнинг таъқибига учрар, кўзларига ёқмаганларини қамоққа ташлашар ёки паст юмушларни бажаришга мажбур қилишарди. Кеч куз кунларининг бирида оқшомга яқин эллик нафар отлиқ ҳовлимизга кириб келди. Ҳовлимизнинг ичкари-ю, ташқарисида от боғланган ва ғажилмаган дарахт қолмади. Худди биз меҳмон чорлагандек яшаб турган уйларимизни эгаллашди. Ўзимизни эса бурчакдаги хонага ҳайдашди. Сал ўтмай, фуқаро кийимидаги кўз ойнакли татар тилмоч отамнинг олдига кириб деди:

- Оқсоқол, кўчқорингиз командирга ёқиб қолди. Шашлик учун мос экан, бир мазза қилайлик, деяпти.

Отам ўрнидан туриб кетди ва мени кўрсатиб:

- Кузда келин олмоқчиман. Тишимнинг ковагида асраётганим шу. Мол-бузоғимни баҳорда Русиядаги очларга ёрдам, деб олиб кетгансизлар.

Тилмоч кўзойнагини ечиб, қўлини ҳавога ниқтади.

- Аслида сенинг рухсатинг керак эмас, мен ҳам бусурмон бўлганим учун айтиб қўйдим. Йўқ, десанг ҳам барибир қўйни сўямиз. Командирнинг жаҳли ёмон. Сени қизил аскарларга қаршилик кўрсатди деб, қамоққа тиқамиз, устига-устак ўғлингни отбоқарликка олиб кетамиз.

Отамнинг жаҳли бир зумда сув қуйилган алангадек сўнди - қолди. Қўлини унсиз силкитди.

Шу тун аскарлар тонггача кабоб пишириб,ароқхўрлик қилишди. Эртасига қўчқорнинг калла-почасини келтиришганида, отам буюрди:

- Итга ташланглар! Итдан қолган нарсани ит ейди.

### ЗЎРАВОНЛИК

- Маккажўхориларга эндигина сув очаётганимизда кўчадан шовқин-сурон эшитилиб қолди, - деганди бир гал падари бузрукворим. - Кетмонни ўқариқ бошланишига қўйиб ғала-ғовур келаётган тарафга қараб югурдим. Қайси кўз билан қарайки, қирқ-эллик чоғли одам, бирининг қўлида кетмон, иккинчисиникида ўроқ, яна бошқасида калтак. Ғазаб билан янграётган гап-сўзларга қараганда, колхозлаштириш сиёсати уларни оёққа турғизиб, ғазабларини қўзғотган эди.

- Кетмонингни олиб чиқ, кўпдан қолма!– деди киммдир ғалаёнчиларга қўшилишга даъват этиб.

Дарҳақиқат, шундай қилдим.

Гуруҳимиз Абдубий, Сузоқ, Сарой ва бошқа қишлоқларни оралаб Шаҳрихонга етиб боргунча беш-олти юз нафарлик оломонга айландик. Тўда фирқа қўмитаси жойлашган пахта тозалаш корхонаси дарвозасидан кириб борганда вақт пешиндан ўтган эди. Қўмита идорасидан қора чарм камзул ва бошларига шу тусдаги кепка кийган уч-тўрт киши чиқиб, гапларимизни тинглагандек бўлди. Сўнг уларнинг бошлиғи қўлини силкитди-да, ортига бурилди. Шериклари ортидан эргашди.

Кутилмаганда бошимиз устида тариллаб пулемёт ўқлари учиб қолмайдими! Биз гап билан овора бўлганимизда завод деворининг тўрт-беш жойидан пулемётлар ўрнатиб қўйилган экан. Музокаралар натижа бермагач, ўқ узишга буйруқ берилган экан. Ерга қапишдик.

Ўқ овози тингач ҳам ҳеч кимнинг бош кўтаришга юраги дов бермасди. Ниҳоят, оламонни колхоз бўлишга даъват этган ҳалиги овоз қайтадан янгради.

– Колхоз бўласизлармми ёки ...

Ҳамма томондан бир хил жавоб эшитилди.

– Бўламиз! Колхоз бўламиз!

Шаҳрихонда коллективлаштириш шу тариқа амалга ошган экан...

### АГАР ОТАМ ТИРИК БЎЛГАНИДА

Отам чўл хўжаликларидан бирида раислик қилаётган йиллар эди. Биз ҳали ёш бўлиб, иккинчи ёки учинчи синфда ўқирдик. Отам кун ботиш олдидан ғазаб билан кириб келди. Бундай пайтда яхшиси, кўзига кўринмасликка, бирон сабаб билан ғазабига учраб қолмасликка ҳаракат қилардик. Ўшанда онамиз кечки овқатни сузиб келаётган бўлиб, дастурхон атрофига эндигина йиғилишгандик. Отамиз кайфиятини кўриб ҳеч ким оғиз очишга ботинмасди. Отам ўзига тегишли косани нари суриб қўйди.

Кейин тўнғиллади.

Экиннинг харобасини чиқаришибди-ку! Ҳали ернинг қарғишига учрайди, лаънатилар!

– Қайси бригадангизда бўпти шу иш, – онам қўрқа писа сўради.

– Биздамас! Агар менда шу ҳол юз берса танобини тортиб қўярдим. Қайтишда онамни кўриб келаётиб, кўзим тушиб қолди. Қишлоғимиздаги отамнинг ерида бу иш бўпти. Ғўзалари қақшаб гулу-шонасини тўкиб ташлабди-ю, бировнтасининг иши йўқ. Агар отам тирик бўлиб, шундай ҳол юз бергандами... Сўнг фотиҳа ўқиб ишга отланаркан, мендан уч ёш катта, анча ақли кириб қолган акамга қаради.

– Сен барвақт тур. Айтаман, қоравул «Қора йўрға»ни азонлаб шайлаб қўяди. Қишлоққа бориб раисни топиб гапларимни тушунтир, отам тайинладилар дегин!

Ҳақиқатан, акам эртасига ота миниб юрадиган «Қора йўрға»да қишлоғимизга бориб, топшириқни бажариб қайтди.

Энди ўйлаб қоламан. Гарчи бобомга тегишли ўша беш гектар ер аллақачон умумлаштириб юборилган бўлса-да, отам ўша мўша пайкалга умрининг охиригача ўзгача муносабатда бўлиб юрган, меҳрини уза олмаган, гарчи манфаат кўрмаса-да, эгалик ҳиссини йўқотмай юрган экан.

**О.ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**


## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» ОЧИҚ АУКЦИОН САВДОЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ.

*2004 йил 16, 23 сентябр кунлари соат 11.00 да Республика Кўчмас мулк биржасининг биносида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қуйидаги объект қўйилади:*

Ўзбекистон Республикаси Олий суди балансидаги автотранспорт воситаси,

1.РАФ 2203-01 русумли, давлат рақами 04-15 ТНС, 1991 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси – 1 200 000 сўм.**

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати балансидаги автотранспорт воситалари:

2.ВАЗ-21054 русумли давлат рақами 19 AF 348, 1996 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси – 658 300 сўм.**

3.ВАЗ-21093 русумли, давлат рақами 10 AE 590, 1998 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси – 1 617 100 сўм.**

4.ВАЗ-21061 русумли, давлат рақами 10 AQ 359, 1995 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси – 913600 сўм.**

Ўзбекистон Республикаси Давлат фельдъегерлик хизмати балансидаги автотранспорт воситаси.

5.УАЗ -3970011 русумли, давлат рақами 10 AZ 727, 1989 йилда ишлаб чиқарилган.

**Бошланғич баҳоси – 476 000 сўм.**

Тошкент шаҳар М.Улуғбек туманида жойлашган 62-сонли автомобилларга ёқилғи қуйиш шохобчаси 62-АЁҚШ:

**Бошланғич баҳоси – 27748,4 АҚШ доллари.**

Аукцион савдолари бўйича харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида закалат пули тўлаши шарт.

Закалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI» нинг Ўзбекистон Республикаси уйжойжамғарма банки Тошкент шаҳар бўлимидаги ҳисоб рақамига: 20208000404265383001, КОД-00425, СТИР 204563716 ўтказилади. Чет эл валютасида сотувга чиқарилган объект бўйича закалат пули «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»нинг Ўзбекистон Республикаси Уйжойжамғарма банки Тошкент шаҳар бўлимидаги валюта ҳисоб рақамига: 20208840704265383001, КОД-00425, СТИР 204563716 SWIFT:UZ HO UZ 22 ўтказилади.

**Хурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!**

**Имкониятингизни бой берманг!**

Қўшимча маълумотлар учун Республика Кўчмас мулк биржаси ва «KIM OSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI»га мурожаат қилишингиз мумкин.

**Манзилимиз:** *Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Қора-Қамиш 2/4 даҳаси, М.Ўрозбоев кўчаси, 1«А»-уй,Республика Кўчмас мулк биржаси биноси, 2-қават, 2-хона.*

**Маълумот учун телефонлар:** *133-29-83, 136-15-28, 136-26-26.*

**Веб сайт:www.rkmb.uz**



ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:

Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди - 21.55

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 8471 Буюртма Г— 817 1 2 3 4 5